Куч — адолатда

2015 йил
28 февраль,
шанба
№ 8 (521)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

Давлатимиз раҳбари тақдимномасига биноан Олий Мажлис Сенати томонидан 2014 йил 14 ноябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йигирма икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарор инсонпарварлик тамойилининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди.

Istiqlol imkoniyatlari

Инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

Ушбу инсонпарварлик ва бағрикенглик сиёсати ҳаётда билиб-билмай жиноий ишга қўл урган, айни вақтда қилмишидан қаттиқ пушаймон бўлган кўплаб ҳамюртларимиз тақдирида муҳим бурилиш ясаганини алоҳида қайд этиш жоиз. Бинобарин, мазкур қарор қонуний кучга киргандан кейин ўтган уч ой мобайнида 52 минг 498 нафар шахсга нисбатан қўлланилди.

Амнистия акти — мамлакатимизда рўёбга чиқарилаётган инсонпарварлик ва бағрикенглик, миллий қадриятларга ҳурмат сиёсатининг амалдаги яна бир ифодасидир. Зотан, билиб-билмасдан жиноят йўлига кириб қолганларни кечириш, уларга инсонпарварлик актини қўллаш бундай шахснинг ҳар қандай қилмиш учун жазонинг муқаррарлигини англаб етишида жуда муҳим ўрин тутади.

Шу ўринда 2008 йилнинг декабрь ойида ишни судга қадар юритиш босқичида шахсларга ва маҳкумларга амнистия актини қўллаш ваколати ҳам судга ўтказилганига эътибор қаратиш зарур. Яъни шу тариқа мамлакатимизда амнистия актини қўллаш масаласи, жиноят процесси босқичидан қатъи назар, фақат суд томонидан ҳал этиладиган бўлди.

Зотан, бу муҳим қадам, ўз навбатида, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини суд томонидан ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтирди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва жиноят қонунчилигини эркинлаштириш замирида, аввалambor, инсонпарварлик ва бағрикенглик тамойиллари, жиноят содир этган шахсларга нисбатан кечиримли бўлиш мақсадлари мужассамлашган. Шу жиҳатдан, амнистия — умумий афв бўлиб, олий давлат ҳокимияти органининг айрим шахсларни жазодан озод қилиш, жиноят ишини тугатиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисидаги қароридир. Унинг асосида хато қилган ёки қилмишидан пушаймон бўлганлар кечирилади, уларга ҳаётларини тўғри йўлга солиш учун имкон берилади.

Давлатимиз мустақилликка эришганидан буён ўтган 23 йил мобайнида 25 марта амнистия акти эълон қилинди.

(Давоми тўртинчи бетда)

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ – БАРЧАМИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

Мамлакатимизда 2015 йил Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши муносабати билан Давлат дастури қабул қилинди

Кексаларни ҳурмат қилиш, уларга эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиш жамиятимизнинг ўзига хос юксак маънавий ва маданий белгисидир. Ўзбек халқига азалдан хос бўлган бундай юксак фазилатлар истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди.

Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган иқтисодиётни ислоҳ этиш ва янгилаш бўйича беш тамойилга асосланган тараққиётнинг "ўзбек модели" мамлакатимиз истиқболини тубдан ўзгартириш йўналишларини белгилаб берди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий базага асосланган ишончли тизимни шакллантириш эса ушбу моделнинг асосий йўналишларидан биридир. Зеро, инсон, унинг ҳаёти ва орзу-умидлари давлатимизнинг доимий диққат эътиборида бўлиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 мартда қабул қилинган "Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони ва 2011 йил 30 майдаги "2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича аниқ йўналиш ҳамда вазифалар белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатлар пенсия ёшидаги фуқаролар, Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат фронти фахрийларининг фаровонлигини таъминлаш, ҳаёт даражаси ва сифатини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ижтимоий соҳанинг изчил такомиллаштирилиб борилаётгани Ўзбекистонда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганидан ёрқин далолат беради. Иқтисодиётимизнинг жадал ва барқарор ривожлантирилаётгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Бунинг самарасида ўтган йили мамлакатимизда ёши улуғ инсонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат бюджетидан 11 триллион 618 миллиард сўм пенсия, 105 миллиард сўмдан зиёд нафақа пули ажратилди. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Таъкидлаш жоизки, нодавлат ташкилотлар, ижтимоий тузилмалар ҳам кекса авлод вакилларига моддий ҳамда маънавий ёрдам кўрсатмоқда ва бу борадаги ишлар кўлами мунтазам кенгайиб бораётир. Масалан, ўтган йили кекса ёшдаги фуқаролар ҳаётини янада яхшилаш бўйича амалга оширилган ишларда Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, "Ўзфармсаноат" давлат акциядорлик концерни, "Дори-дармон" акциядорлик компанияси, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар фаол иштирок этди. Уруш ва меҳнат фахрийлари ушбу ташкилотлар кўмагида Самарқанд, Бухоро, Хива, Термиз, Тошкент ва мамлакатимизнинг бошқа шаҳарларида саёҳатда бўлди, амбулатория ва стационар даволаш муассасаларида даволанди, санаторийларда саломатлигини тиклади.

Мамлакатимизда ёши улуғ инсонларнинг муносиб ҳаёт кечириши учун барча шароит яратилмоқда. Зеро, улар юртимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалишига катта ҳисса қўшган.

(Давоми иккинчи бетда)

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат, эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизими қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалга жорий этилгани, суд ишларини апелляция инстанциясида кўриш тартиби амалга киритилгани, кассация ва назорат инстанциялари янада такомиллаштирилгани, судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимга тавсия этишнинг энг демократик тамойиллари жорий этилгани, ўлим жазосининг бекор қилингани, санкция бериш ваколатининг судларга ўтказилиши каби чора-тадбирларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилгани суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида қўйилган муҳим қадамлар бўлди.

E`tirof

Судьялар ва судьяликка номзодлар

уларнинг ижтимоий муҳофазаси амалда тўлиқ таъминланмоқда

Шунингдек, ўтган даврда судларнинг жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослаштирилиши қонун билан мустаҳкамлаб қўйилди, бу эса, ўз навбатида, ишларни кўриб чиқиш муддатини қисқартириб, сифати ошишини таъминлади, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтирди.

Айниқса, 2012 йилда суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимизнинг 2012 йил 2 августда "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди.

Ушбу Фармонда конституциявий суд, умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судлари судьяларининг ойлик иш ҳақи оширилиши ҳамда ойлик иш ҳақининг 50 фоизигача бўлган миқдорда устама ҳақ тўланиши, судьяларнинг хизмат вазифаларини бажаришлари муносабати билан оладиган даромадлари жисмоний шахслар даромадларидан олинадиган солиқ тўловларидан озод қилиниши белгилаб қўйилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий суд судьялари, Олий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзолари, Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд раиси Ш.Ғозиев бошқарган мажлисда мамлакатимизда миллий қонунчилик асослари инсон манфаатларига мос тарзда такомиллашиб бораётгани таъкидланди. Замон талабидан келиб чиқиб қонунчиликнинг сифати ва таъсирчанлигини оширишга оид изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бу жараёнда Олий суд томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда суд-ҳуқуқ тизимини, соҳага оид қонунчиликни такомиллаштиришга доир қатор қонун лойиҳалари тайёрланмоқда ва тегишли тартибда парламент муҳокамасига киритилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Ҳимоя ҳуқуқи имкониятлари

амалда фуқаролар манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнида суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ҳам изчил давом эттирилмоқда. Соҳага оид ҳуқуқий асослар, жумладан, жиноят ва жиноят процессуал қонунчилик замон талаблари асосида такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий судида "Хабеас корпус институтини янада ривожлантириш истиқболлари" мавзусида ўтказилган давра суҳбатида шулар ҳақида сўз юритилди.

(Давоми учинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Ворислик ҳуқуқи

қонун ва васиятнома бўйича ворислик, васиятноманинг аҳамияти

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонларида)

Айтиш керакки, васиятнома қолдирилмаган ҳолатларда бутун мол-мулкни қонун бўйича ворислар ўртасида тенг тақсимлаш лозим бўлади. Албатта, фарзандлар аҳил-иноқ бўлиб, мол-мулкни тақсимлашда бир-бирига ён берса, бу яхши. Лекин улар бир-бирининг ҳуқуқини тан олмаса, меросхўрлар ўртасида натура ҳолида бўлиб бўлмайдиган айни бир кўчмас мулк, масалан, уй ёки кўчар мулк — автомашинани улар ўртасида тақсимлашда, қай бирига натура ҳолида қолдириб, қай бирига улушини пулда беришда низо келиб чиқмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди.

Шу ўринда яна шуни айтиш лозимки, ота-она вафотидан кейин мулк талашиб, бир-бирига тескари одамларга айланиш халқимиз маънавиятига ёт ҳолат бўлса-да, бугунги кунда ворислар ўртасида баъзан низо келиб чиқаётганлиги ачинарли ҳолдир.

Бошқа турдаги низолардан фарқли ўлароқ, ворисликка доир низоларнинг аксарияти васиятнома қолдирилмаган ҳолларда ва фақат яқин қариндошлар ўртасида юзага келади.

Масалан, ота томонидан васиятнома қолдирилмаган ҳолатда мерос мулки ҳисобланган биргина автомашинани икки ўғил ўртасида тақсимлаш лозим. Уларнинг ҳар иккаласи автомашинани натура ҳолида олишни хоҳлайди. Меросни эгаллаш борасида уларнинг ҳар иккаласи бир хил ҳуқуққа эга.

Бундай ҳолатда мерос қолдирувчи — ота томонидан автомашинани улардан бирига қолдириб, иккинчи ўғилга эса, автомашина баҳосининг ярмини бериш ҳақида васият фармойиши берилиши низо келиб чиқишининг олдини олади.

(Давоми учинчи бетда)

Muloqot

Савол беринг, жавоб берамиз

Яқинда акам мендан қишлоқда отамдан қолган мол-мулкдаги улушимдан воз кечишим ҳақида тилхат ёздириб, нотариус орқали тасдиқлатиб олган эди. Айтинг-чи, мен бу тилхатни қайтариб олишим мумкинми?

Ш.ДАВРОНОВ,
Қашқадарё вилояти, Шаҳрисабз тумани



— Фуқаролик кодексининг 1147-моддасига асосан, меросхўр мерос очилган кундан эътиборан исталган вақтда меросдан воз кечишга ҳақли.

Меросдан воз кечиш меросхўр томонидан мерос очилган жойдаги нотариусга ариза бериш орқали амалга оширилади. Агар ишончномада вакил орқали меросдан воз кечиш ваколати махсус назарда тутилган бўлса, меросдан шу тарзда воз кечилиши мумкин. Меросдан воз кечиш кейинчалик бекор қилиниши ёки қайтариб олиниши мумкин эмас.

Айтинг-чи, маст ҳолатда жиноят содир қилган шахс жавобгарликка тортиладими?

Ф.ТОШМАТОВА,
Андижон вилояти, Балиқчи тумани

— Ҳа, маст ҳолатда жиноят содир қилган шахс учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, амалдаги Жиноят кодексининг 19-моддасига мувофиқ, мастлик ҳолатида ёки гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки одамнинг ақл-идрокига таъсир этувчи бошқа моддалар таъсири остида жиноят содир этган шахс жавобгарликдан озод қилинмайди. Бундай ҳолат шахсни ақли норасо деб топиш учун асос бўлмайди.

Айтинг-чи, амалдаги қонунларимизда судланганликни олиб ташлаш муддати белгиланганми?

Р.ЗАФАРОВ,
Тошкент вилояти, Қибрай тумани

— Маълумки, Жиноят кодексининг 80-моддасига кўра, судланганлик ҳолатининг тугалланиш ёки судланганликни олиб ташлаш муддатлари асосий ва қўшимча жазолар ўтаб бўлинган ёки ижро этилган кундан бошлаб ҳисобланади.

Агар шахс тайинланган жазодан қонунда белгиланган тартибда муддатидан илгари озод қилинган ёхуд жазо енгилроғи билан алмаштирилган бўлса, судланганлик муддати муддатидан илгари озод қилинган ёки енгилроғи билан алмаштирилган жазонинг амалда ўтаб бўлинган қисмидан ҳисобланади.

Агар ушбу кодекснинг 44-моддасидаги жарима, 46-моддасидаги ахлоқ тузатиш ишлари асосида ҳукм бўйича тайинланган жазони суд бошқа жазо билан алмаштирган бўлса, судланганлик муддати жазонинг амалда ўтаб бўлинган ёки ижро этилган қисмидан ҳисобланади.

Агар жазони ўтаб чиққан шахс судланганлик ҳолатининг муддати тугамай, яна жиноят содир этса, судланганлик ҳолатини тугатувчи муддатнинг ўтиши тўхтатилади. Илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг тугаш муддати охирги содир этилган жиноят учун (асосий ва қўшимча) жазони амалда ўтаб бўлганидан бошлаб ҳисобланади.

Айтинг-чи, жамоа шартномасида ногиронлар ёки бола тарбия қилаётган шахслар учун қўшимча имтиёз белгиланиши мумкинми?

Б.БОБОБЕКОВ,
Сирдарё вилояти, Ховос тумани

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Меҳнат кодексининг 37-моддасига мувофиқ, жамоа шартномасида корхонанинг иқтисодий имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, бошқа шартлар, шу жумладан, қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган нормалар ва қоидаларда кўрсатилганига қараганда имтиёзлироқ меҳнат шартлари ва ижтимоий-иқтисодий шартлар (қўшимча таътиллар, пенсияларга тайинланадиган устамалар, муддатдан илгари пенсияга чиқиш, транспорт ва хизмат сафари харажатлари учун компенсациялар, ходимларни ишлаб чиқаришда ҳамда уларнинг болаларини мактабда ва мактабгача тарбия муассасаларида текин ёки қисман ҳақ тўланадиган тарзда овқатлантириш, бошқа қўшимча имтиёз ва компенсациялар) ҳам киритилиши мумкин.

Саволларга Олий суд бўлим бошлиғи Нишонмурод МИРЗАОЛИМОВ жавоб берди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Жорий йилда ҳам ижтимоий соҳани ривожлантириш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни, кам таъминланган оилаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ва 2015 йилнинг мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ушбу йўналишда янги ташаббусларни бошлаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 18 февралдаги қарори билан тасдиқланган "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида жорий йилда амалга ошириладиган хайрли ишлар белгилаб берилган. Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда, ёшларни халқимизнинг кўп асрлик қадрият ва анъаналари руҳида тарбиялашда кексаларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Олти бўлимдан иборат ушбу дастурда кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш ва эътиборни кучайтириш учун қулай ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлар яратишга қаратилган қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш кўзда тутилган. Бу борада ишлаб чиқилаётган ҳужжатларга мувофиқ, пенсия таъминоти ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ёши улуғ инсонларга давлат хизматлари, жумладан, турли маълумотнома ва тасдиқловчи ҳужжатларни олиш хизматлари кўрсатишнинг энг қулай тизимини шакллантириш режалаштирилган.

Кексалар, аввалambор, 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш кучайтирилади, ёши улуғ инсонлар, биринчи навбатда, ёлғиз қариялар ва ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ва маиший хизматлар рўйхати кенгайтирилади. Уларни фаровон ва муносиб турмуш шароитлари билан таъминлаш учун маҳаллалар, "Нуроний" жамғармаси, бошқа нодавлат ташкилотлари ва ижтимоий тузилмалар томонидан моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўлами кенгайтирилади.

Мисол учун бу йил 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларининг ҳар бири мамлакатимизда ишлаб чиқарилган телевизор ва мобиль телефонлар билан бепул таъминланади, уларга маҳаллий ва шаҳарлараро чиқиш қўнғироқлари учун ҳар ой абонент тўлови олинмасдан 60 дақиқалик бепул лимит берилади. Уруш ва меҳнат фронти фахрийлари мамлакатимиздаги санаторий-соғломлаштириш муассасаларига бориш учун йилига бир марта темир йўл транспортида бепул юриш ҳуқуқидан, шунингдек, ҳаво транспортида 50 фоиз миқдоридаги чегирмадан (бориш-келиш) фойдаланиши мумкин.

Давлат дастурида фахрийлар ва ёши улуғ инсонларга тиббий ва ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси ва сифатини ошириш, уларни тизимли асосда соғломлаштиришни ташкил этиш, профилактика тадбирларини кўпайтириш, даволашнинг замонавий усуллари билан қамраб олиш ва улардан фойдаланишни кенгайтириш, кексалар ва ногиронларни ёрдамчи ҳамда техник реабилитация воситалари билан, жумладан, имтиёзли асосда таъминлаш, кексаларга хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган санаторий-соғломлаштириш ва ижтимоий хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, жорий йилда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши ҳамда республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул соғломлаштириш ташкил қилинади.

Бундан ташқари бу йил ёши улуғ инсонлар кинотеатр, театр, музей, концерт томошалари ва бошқа маданий-маърифий тадбирларга бепул бориш имкониятига эга бўлади. 100 ва ундан катта ёшдаги кишиларни улуғлаш учун "Аср билан юзма-юз" акцияси ва бошқа шу каби тадбирларни ташкил этиш режалаштирилган.

Кексаларнинг ҳаёт фаолияти ва дам олишини ташкил этиш тизимини янги босқичга кўтаришга доир ишлар самарадорлиги оширилади, улар учун туман ва маҳаллаларда қизиқиши бўйича клублар ташкил этиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилади. Шуниси диққатга сазоворки, барча маҳаллаларда отахонлар чойхоналари ташкил этилади ва уларда зарур шароитлар яратилади. Одатда, чойхонада маҳалла аҳли бир пиёла чой устида суҳбатлашиш, сўнгги янгиликлардан хабардор бўлиш, шахмат-шашка ўйнаш учун тўпланади. Энди бу ерда улар биргаликда телевизор орқали махсус кўрсатувлар, спектакль ва фильмлар томоша қилиши мумкин. Жорий йилда кексалар учун мўлжалланган бундай томошалар тайёрлаш янада кўпаяди.

Маҳаллалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ташкилий тузилмасида кексалар ва ногиронларга доимий эътибор қаратадиган сектор мустаҳкамланади, бунда уларга хизмат кўрсатадиган идоралар, биринчи навбатда, пенсия, ижтимоий ва тиббий хизмат кўрсатувчи идоралар фаолияти мувофиқлаштириб борилади.

Ёлғиз ва ижтимоий ёрдамга муҳтож кексалар учун "Кексалар дуосини олайлик" акциясини ўтказиш ва тадбир доирасида уларни зарур мебель ва уй жиҳозлари, кийимкечак, бадиий адабиёт, стол ўйинлари тўпламлари билан таъминлаш режалаштирилган.

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин" шиори остида тадбирлар ўтказиш мўлжалланган. Бу тадбирлар доирасида ҳар бир вилоятдан кекса авлод вакилларини мамлакатимизнинг диққатга сазовор жойлари билан таништириш учун саёҳат уюштириш, "Энг яхши маҳалла гузари", "Кексалар — оила таянчи" ҳудудий кўрик-танловлари ўтказилади.

"Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида белгиланган ушбу хайрли ишларни амалга ошириш учун 2 триллион 246,5 миллиард сўм ва 229,6 миллион доллар ажратиш кўзда тутилган.

Бугунги дориломон кунларда умргузаронлик қилаётган фахрийларни ҳурмат қилиш, эъзозлаш, уларга эътибор қаратиш барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир. Президентимиз Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини "Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги" эсдалик юбилей медали билан мукофотлаш тўғрисида"ги фармони ҳам кексаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин тасдиғи бўлди. Ушбу фармон фашизм устидан қозонилган Ғалабага бебаҳо ҳисса қўшган юртдошларимиз — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносиб ҳурмат-эҳтиром билан шарафлаш мақсадида қабул қилинди.

Инсон жасоратини эсга олиш ва уни қадрлаш бебаҳо маънавий бойлик, ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган қадриятларимиздан биридир. Давлатнинг куч-қудрати нафақат унинг армияси билан, балки мамлакатда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, фуқароларнинг аҳиллиги, ҳамжиҳатлиги, ватанпарварлиги, ёши улуғ инсонларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрлигида ҳам намоён бўлади. Зеро, бу муқаддас замин — Ўзбекистонда инсон азиздир.

Мамлакатимизда кексаларни ҳар томонлама рағбатлантиришга доир амалга оширилаётган чора-тадбирлар улар учун нафақат моддий, айни пайтда катта маънавий-руҳий мададдир. Юртимизда бундай ҳурмат, эътибор ва ғамхўрлик учун чуқур миннатдорлик туйғуси фуқароларимизнинг тинч ва осуда ҳаёти, эртанги кунга бўлган мустаҳкам ишончида, ёш авлодни Ватанга, мустақилликнинг буюк ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда ўз ифодасини топмоқда.

ЎзА

2015-yil — Keksalarni e`zozlash yili

Кексаларни эъзозлаш – барчамизнинг фарзандлик бурчимиздир



Maslahat

Вояга етмаган шахс

унинг қонуний вакили ишда қандай тартибда қатнашади?

Амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 549-моддасида вояга етмаган шахснинг қонуний вакили ишда қатнашиши ҳақида сўз юритилган.

Унга кўра, вояга етмаган шахснинг жиноятлари ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт.

Қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади.

Қонуний вакил ўз ҳаракати билан вояга етмаган шахснинг манфаатига зарар етказади деб ҳисоблаш учун асос бўлса, суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суднинг ажрими билан вояга етмаган шахснинг қонуний вакили ишда қатнашишдан четлаштирилиши мумкин. Бундай ҳолда вояга етмаган шахснинг манфаатларини ҳимоя қилиш бошқа қонуний вакилга ёки васийлик ва ҳомийлик органининг вакилига топширилади.

Шунингдек, ушбу кодекснинг 550-моддасида вояга етмаган шахснинг жиноятлари ҳақидаги ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш ҳақида сўз юритилган.

Яъни вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилишдан бошлаб, суриштирувчи ёки терговчи ишда ҳимоячининг иштирок этишини таъминлаш чораларини кўради. Шу мақсадда вояга етмаган шахсга ва унинг қонуний вакилига ўзлари хоҳлаган ҳимоячини таклиф этиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилади. Агар ҳимоячи вояга етмаган шахснинг, унинг қонуний вакилининг ёхуд бошқа шахсларнинг топшириғи ёки розилиги билан чақирилмаган бўлса, суриштирувчи, терговчи ёки суд ишда ҳимоячининг иштирок этишини ўз ташаббуси билан таъминлашга мажбур.

Дамир НАУРЗБАЕВ,
Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси

Islohot va samara

Кассация тартибида

Маълумки, одил судловни амалга ошириш, қонун устуворлигини таъминлашда судлар томонидан қабул қилинган ҳужжатларнинг қонунийлиги, адолатлилиги ва асослилиги ғоятда муҳим ўрин тутади. Шу маънода ишларнинг юқори инстанция судлари томонидан апелляция ва кассация тартибида кўриб чиқиш тартиби жорий этилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоя қилишда муҳим ўрин тутмоқда.

Истиқлол йилларида судларнинг жиноий, фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ихтисослашуви амалга оширилди. Суд ишларини апелляция ва кассация тарзида кўриб чиқиш институтлари жорий этилди. Хусусан, 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган қонунга биноан кассация тартибида иш юритиш тартиби белгиланди.

Қонунга кўра, қонуний кучга кирмаган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят, протестларни кўриб чиқувчи апелляция инстанцияси жорий этиб, айни вақтда кассация тартибида иш юритиш, яъни қонуний кучга кирган суд қарорлари устидан келиб тушган шикоят ва протестлар асосида ишни юқори инстанцияда кўриш тартиби белгиланди.

Айтиш керакки, амалдаги Жиноят-процессуал кодексининг 498-моддасида ҳукм ва ажрим устидан кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш ҳуқуқига эга бўлган шахслар белгиланган. Ушбу ҳуқуқий меъёрга биноан маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний кучга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида шикоят беришга ҳақлидир.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар қонуний кучга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибида кўрилган бўлмаса, кассация тартибида протест билдиришга ҳақли ҳисобланади.

Жиноят-процессуал кодексининг 499-моддасига биноан жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судига, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкин.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу судларнинг судлов ҳайъатларига; Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — шу суднинг судлов ҳайъатига; округ ва ҳудудий ҳарбий судларнинг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан — Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судига, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари устидан эса, шу суднинг судлов ҳайъатига кассация тартибида шикоят бериш ва протест билдириш мумкинлиги ҳам қонунда назарда тутилган.

Fuqarolik qonunchiligi

Ворислик ҳуқуқи

қонун ва васиятнома бўйича ворислик, васиятноманинг аҳамияти

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мисол учун васиятнома қолдирмаган отанинг вафотидан кейин унинг икки ўғли ўртасида барча мол-мулк — уй, автомашина ва хусусий дўкони қонун бўйича ворислик асосида тенг ҳиссада бўлиш борасида низо келиб чиққан, дейлик. Бундай ҳолда васиятнома қолдириш орқали эса, уй ва автомашинани улардан бирининг, дўконни иккинчисининг эгалигига берилиши орқали ушбу низонинг олдини олиш мумкин.

Айтиш керакки, васиятнома тузиш ва уни расмийлаштиришда Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида кўрсатилган васиятнома шаклига доир қоидаларга қатъий амал қилиш лозим. Қонун талабига кўра, нотариал тасдиқланган васиятномалар ҳамда нотариал тасдиқланган васиятномаларга тенглаштирилган васиятномалар ёзма шаклда тузилган ҳисобланади.

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан, нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганининг сабаблари кўрсатилган ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин.

Аммо Фуқаролик кодексининг 1124-моддасида кўрсатилган "бошқа шахс" сифатида қуйидаги шахслар, яъни нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс; васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс, унинг эри (хотини), болалари, ота-онаси, набиралари ва чевaралари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари; тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар; саводсизлар ва васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар; ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар васиятномани имзолаши мумкин эмас.

Мажбурий улуш олиш ҳуқуқига эга меросхўрлар мавжуд бўлган ёки васиятнома тузилишида қонун талабларига риоя қилинмаган ҳолларда тегишли манфаатдор шахс васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги даъво аризаси билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш ва васиятномани бекор қилиш бир-биридан фарқ қилади. Васиятнома бўйича мерос олувчи ёки суд қарори билан васиятноманинг ҳақиқий эмас, деб топилишидан манфаатдор бўлган шахс мерос очилганидан кейин васиятномани ҳақиқий эмас, деб топиш тўғрисида даъво қўзғатиши мумкин.

Васият қилувчи исталган вақтда ўз васиятномасини бекор қилиш ёки ўзгартириш талабини қўйишга ҳақлидир. Васиятнома расмийлаштиришда Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда 2090-сон билан рўйхатга олинган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома талабларини билиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Мазкур йўриқномада васиятномаларни тасдиқлашга доир қатор талаб ва тартиблар белгилаб берилган. Жумладан, ушбу йўриқноманинг 18-бобида нотариуслар муомала лаёқатига эга бўлган фуқаро шахсан тақдим этган васиятномаларни тасдиқлаши, битта васиятномани бир неча шахс номидан, шунингдек, вакил орқали расмийлаштирилишига йўл қўйилмаслиги, мулк ўз фойдасига васият қилинаётган фуқаро васият қилувчининг ўзи томонидан илтимос қилинмаган ҳоллардан ташқари барча ҳолларда васият тузилаётган вақтда иштирок этиши мумкин эмаслиги, агарда шундай илтимоснома мавжуд бўлганда, бу ҳақда васиятноманинг ҳар икки нусхасига ёзилиб, нотариуснинг имзоси ва нотариал идора муҳри билан тасдиқланиши лозимлиги борасида кўрсатмалар берилган.

Нотариал тасдиқланган васиятнома васият қилувчи томонидан ёзилган ёки унинг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган бўлиши лозим. Васиятномани васият қилувчи сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олиш пайтида умумий қабул қилинган техника воситаларидан, яъни ёзув машинкаси, компьютер ва ҳоказолардан фойдаланиш мумкин.

Васият қилувчининг сўзларидан нотариус томонидан ёзиб олинган васиятномани имзолашдан олдин васият қилувчи унинг матнини нотариус олдида тўлиқ ўқиб чиқиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани шахсан ўқий олмаса, васиятноманинг матни васият қилувчига нотариус томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу ҳақда васиятномада тегишлича қайд этилиб, васият қилувчи васиятномани шахсан ўқий олмаганининг сабаблари кўрсатилади.

Васият қилувчининг хоҳишига кўра, васиятнома нотариус томонидан унинг мазмуни билан танишиб чиқилмасдан тасдиқланади. Бундай васиятнома махфий ҳисобланади. Васият қилувчи махфий васиятноманинг ҳақиқий саналмаслик хавфини бартараф килиш учун ўз қўли билан ёзиши ва имзолаши лозим. Васиятнома икки гувоҳ ва нотариус иштирокида хатжилдга солиниб, хатжилд елимланади. Гувоҳлар ўз фамилияси, исми, отасининг исмини ва доимий турар жойини кўрсатган ҳолда хатжилдга имзо қўяди. Гувоҳлар имзо қўйган хатжилд гувоҳлар ва нотариуснинг иштирокида бошқа хатжилдга солинади ва бу хатжилд ҳам елимланади, унга нотариус тасдиқлаш устхатини ёзиб қўяди.

Юқорида баён қилинган нотариал тасдиқланган васиятномани тасдиқлашда амал қилиниши лозим бўлган тартиб ва қоидалар нотариал тасдиқланган васиятномага тенглаштирилган васиятномаларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Фуқаролик кодексининг 1126-моддасида нотариусдан ташқари қуйидаги мансабдор шахслар васиятнома тасдиқлашга ваколатига эга экани кўрсатилган. Яъни касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг раҳбарлари ёки бош врачлари; Ўзбекистон Республикаси байроғи остида сузиб юрган кема капитанлари; қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедициялар бошлиқлари; ҳарбий қисм командирлари; озодликдан маҳрум этиш жойлари ёки қамоқда сақлаш муассасаси бошлиқлари; нотариус бўлмаган аҳоли пунктларидаги шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) васиятнома расмийлаштириш ваколатига эга.

Қонунда кўрсатилган ушбу шахслар рўйхати қатъий бўлиб, уни кенгайтириб талқин қилиш мумкин эмас. Фақатгина қонунда айнан кўрсатилган мансабдор шахслар васиятнома тасдиқлаш ваколатига эга. Уларнинг топшириғига асосан бошқа шахс, даволовчи врач, бўлим бошлиғи, кема капитанининг ёрдамчиси, экспедиция бошлиғининг муовини, қисм командирининг ўрнига бўлинма бошлиғи, муассаса бошлиғининг ўринбосари бундай ваколатга эга ҳисобланмайди.

Қонунда кўрсатилган мансабдор шахслардан бошқа шахслар томонидан васиятнома расмийлаштирилиши унинг ҳақиқий эмаслигига олиб келади. Шунингдек, қонунда кўрсатилган васиятномани тасдиқлаш ваколати берилган мансабдор шахсларга ҳам ҳар қандай ҳолатда, ҳар қандай фуқаронинг васиятномасини тасдиқлаш ваколати берилмаган.

Юқорида санаб ўтилган мансабдор шахсларнинг қайси ҳолатда, ким томонидан қолдирилаётган васиятномани тасдиқлаши ҳам қонунда, хусусан, Фуқаролик кодексининг 1126-моддасида аниқ баён қилинган. Касалхоналар, госпиталлар, бошқа стационар даволаш муассасаларида даволанаётган ёки қариялар ва ногиронлар уйларида яшаб турган фуқароларнинг васиятномасини ана шу касалхоналар, госпиталлар ва бошқа даволаш муассасаларининг бош врачлари, уларнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосарлари ёки навбатчи врачлари, шунингдек, госпиталларнинг бошлиқлари, қариялар ва ногиронлар уйларининг директорлари ёки бош врачлари тасдиқлаши мумкин.

Шунингдек, юқорида қайд этилган қонунда Ўзбекистон Республикаси байроғи остидаги сузиб юрган кемалардаги фуқароларнинг васиятномасини ана шу кема капитанлари; қидирув экспедициялари ёки шу каби бошқа экспедицияларда иштирок этаётган фуқароларнинг васиятномасини шу экспедиция бошлиқлари; ҳарбий хизматчиларнинг, нотариуслар бўлмаган ерларда жойлашган ҳарбий қисмларда эса, бу қисмларда ишлаётган ҳарбий бўлмаган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг васиятномаларини ҳарбий қисмларнинг командирлари; озодликдан маҳрум этиш жойларида ёки қамоқда сақланаётган шахсларнинг васиятномаларини тегишли муассаса бошлиқлари; нотариус бўлмаган аҳоли пунктларида яшаётган шахсларнинг васиятномасини қонунга мувофиқ нотариал ҳаракатларни амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахслар фуқаролар йиғини раиси(оқсақоли) томонидан тасдиқланиши кўрсатилган.

Васиятнома тасдиқлаш ҳуқуқи берилган мансабдор шахслар васиятномани тасдиқлаш жараёнида шахсан ўзи васият қолдирувчининг шахсини, унинг муомалага лаёқатлилигини аниқлаши талаб қилинади. Васиятнома бевосита васият қилувчининг иштирокида тасдиқланиши ва "Нотариат тўғрисида"ги қонуннинг 27-моддаси талабига кўра, бир нусхаси васият қилувчи доимий яшайдиган жойдаги нотариал идорага юборилиши лозим.

Васиятномани расмийлаштиришда, келгусида низо келиб чиқмаслиги учун, қонун ҳамда бу борадаги қўлланма талабларига, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 30 мартда 2090-сон билан рўйхатга олинган "Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома, Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 25 майда 2231-сон билан рўйхатга олинган "Нотариал тасдиқланган ҳужжатларга тенглаштириладиган васиятномалар ва ишончномаларни тасдиқлаш тартиби тўғрисида"ги Йўриқнома ҳамда "Ўзбекистон Республикаси шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллари) томонидан белгиланган нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисида"ги қўлланма қоидаларига қатъий амал қилиниши лозим.

Бундан ташқари васиятнома матни ва мазмунида чалкашлик ва турли хил тушунмовчиликларга йўл қўйилмаслиги, васиятномани талқин қилишга эҳтиёж туғдирмаслик учун юқорида қайд этилган қўлланма иловасида келтирилган васиятнома шаклларига доир қоидаларга риоя қилиш керак.

Қонунда назарда тутилган мансабдор шахслар биргина васиятномани гувоҳлантириш билан чекланиб қолмасдан, балки васият қилувчи ёки унинг ёзма аризаси-фармойишига биноан васиятномани бекор қилиш, ўзгартириш бўйича ҳам маълум ҳаракатларни амалга ошириши тақозо этилади.

Бунда, Фуқаролик кодексининг 1127-моддасига кўра, васиятноманинг барча нусхалари йўқ қилиниши мумкинлиги, васиятномани бекор қилиш ҳақидаги аризага қўйилган имзонинг ҳақиқийлиги нотариал тартибда шаҳодатлантирилиши кераклиги, васиятномани бекор қилиш ҳақида нотариал ҳаракатлар қайд этиладиган реестрга, алфавитли дафтарга ёзиб қўйилиши ва уни имзо ҳамда муҳр билан тасдиқлаш талаб қилиниши каби ҳолатларга эътибор қаратиш зарур.

Васиятнома тасдиқлаш ваколати берилган шахсдан Фуқаролик кодексининг ворислик ҳуқуқига доир меъёрларини ҳамда юқорида қайд этилган қўлланма талабларини билиш ҳамда унга риоя этиш талаб қилинади.

Ва, ниҳоят, Фуқаролик кодексининг 1128-моддасида васиятномани сир сақлашга доир меъёр мустаҳкамланган. Яъни нотариус, васиятномани тасдиқловчи бошқа мансабдор шахс, шунингдек, васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаган фуқаро мерос очилгунга қадар васиятноманинг мазмунига, унинг тузилиши, бекор қилиниши ёки ўзгартирилишига дахлдор маълумотларни ошкор қилишга ҳақли эмас. Бу қоида ҳам, васиятнома ким томонидан тасдиқланганидан қатъи назар, барча васиятномаларга бирдек тааллуқлидир.

Холмўмин ЁДГОРОВ,
Олий суд судьяси

Xabar

Олий суд Пленуми мажлиси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мажлисда "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси муҳокама этилди.

Маълумки, судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг кенг жорий этилаётгани аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига интерактив хизмат кўрсатиш кўламини кенгайтириш билан бирга судларда иш юритиш самарадорлигини ҳам ошираётир. Бунда давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, судларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга оид қарорлари муҳим дастуриламал бўлди.

Фуқаролик ишлари бўйича Зангиота туманлараро судида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда "E-Sud" тажрибавий лойиҳаси йўлга қўйилиб, унда электрон шаклда судга мурожаат қилиш ва қарор нусхалари, суд чақирув қоғозлари ва бошқа ҳужжатларни электрон юбориш имкониятлари муваффақиятли синовдан ўтди.

Аммо амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилигида судлар фаолиятида замонавий электрон воситалардан фойдаланишга оид нормалар мавжуд эмас. Шундан келиб чиқиб электрон шаклда судларга мурожаат қилиш ва иш юритиш тартибини жорий этиш бўйича "Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг айрим моддаларига фуқаролик ишлари бўйича судга электрон шаклда мурожаат қилиш имкони ҳамда суд чақирув қоғозлари, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юборишни назарда тутувчи ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Шунингдек, Пленум йиғилишида судларга электрон тарзда мурожаат қилиш тартиби жорий этилаётганлиги муносабати билан ҳамда фуқаролик суд иш юритувини янада такомиллаштириш, суд чиқимларини камайтириш, судни ўзига хос бўлмаган функциялардан халос этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Шунингдек, Кодексга киритилиши таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларда жавобгарларнинг сонига қараб ариза ва унга илова қилинадиган ҳужжатларнинг нусхаларини судга юборишни бекор қилиш, шу билан бирга суднинг ушбу ҳужжатларни тарафларга қайта юбориш функцияларини чиқариб ташлаш, даъвогарга судга ариза ва аризага илова қилинган ҳужжатларнинг нусхаларини бошқа томонга юбориш (топшириш) ҳамда буни тасдиқловчи далилларни судга тақдим этиш мажбуриятини юклаш кўзда тутилмоқда.

Мажлисда Фуқаролик процессуал кодексига мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, суд иш юритувини янада демократлаштириш ва такомиллаштиришга хизмат қилиши қайд этилди. Ўз навбатида, бу процесс иштирокчилари харажатлари ва суд чиқимларини камайтиришга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоялашга замин яратади.

Йиғилишда мазкур қонун лойиҳасини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритиш юзасидан қарор қабул қилинди.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

Ҳимоя ҳуқуқи имкониятлари

амалда фуқаролар манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан ташкил этилган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари, судьялар, олимлар ва адвокатлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев, Олий суд судьяси Д.Комилов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини таъминловчи мустақил суд ҳокимиятини шакллантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилаётгани бунда муҳим аҳамият касб этди.

Концепцияга мувофиқ 2012 йил 18 сентябрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни асосида лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини қўллашнинг суд тартиби амалиётга киритилди. Суд ваколатидан жиноят иши қўзғатиш ҳуқуқи чиқарилиб, судда ишни кўришда жиноят иши бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини прокурор зиммасига юклашни кўзда тутувчи нормалар жорий этилгани суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтиришга шароит яратди. "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳаси янада кенгайтирилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларини амалга ошириш имконини берди.

2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Жиноят ва Жиноят процессуал кодексларига яна қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Жумладан, жиноят процессуал қонунчилигига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинишини кафолатлашга хизмат қилади.

Давра суҳбатида жорий этилган юқоридаги каби меъёрларнинг амалиётда қўлланилиши, бу борада учраётган айрим камчиликлар бўйича ҳам фикр юритилди.

Н.АБДУРАИМОВА

иш юритиш

одил судлов сифатини янада яхшилашга хизмат қилмоқда

Айтиш керакки, шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони кучайтириш ёки маҳкумнинг аҳволини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажримини (қарорини), шунингдек, суднинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажримини (қарорини) кассация тартибида қайта кўриб чиқишга улар қонуний кучга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

Ушбу қоида Жиноят-процессуал кодексининг 500-моддасида мустаҳкамланган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майда қабул қилинган "Судлар томонидан жиноят ишларини кассация тартибида кўриш амалиёти тўғрисида"ги қарорида Жиноят-процессуал кодексининг кассация тартибида иш юритишга доир меъёрларини суд амалиётида қўллашга оид батафсил тушунтиришлар берилган.

Ишларни апелляция инстанциясида кўриб чиқишнинг жорий қилинганлиги суд хатоларини ўз вақтида тузатишга, кассация ва назорат инстанциялари эса, одил судлов сифатини янада яхшилашга, шу жумладан, қонуний кучга кирган ҳукмлар устидан шикоят бериш имкониятларининг кенгайишига, тарафлар ҳуқуқларининг тенглаштирилишига хизмат қилади.

Статистик маълумотларга қараганда, 2014 йилда жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судлари томонидан кўриб тамомланган ишлар бўйича суд қарорларидан 3,6 фоизи бўйича ёки 221 шахсга нисбатан кассация инстанцияларига шикоятлар келтирилиб, протестлар билдирилган.

Ушбу даврда вилоят судининг кассация инстанциясида шикоят ва протестлар асосида кўрилган ишлардан 23 нафар шахсга нисбатан чиқарилган суд қарорлари, жиноят оқибатида етказилган зарарлар ўрни қопланган, биринчи инстанция судлари томонидан судланганларнинг ҳаракатлари нотўғри квалификация қилингани ва уларга жазони жиноятнинг тури ва хусусияти, иш ҳолати, шахси етарлича эътиборга олинмасдан белгиланган сабабли, ўзгартирилган.

Масалан, жиноят ишлари бўйича Пахтаобод туман судининг ҳукмига кўра, С.Қодиров Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор топилиб, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Кассация инстанциясининг 2014 йил 20 февралдаги ажримига мувофиқ, ишни кассация инстанция судида кўришда судланувчи томонидан етказилган моддий зарар тўлиқ қопланган сабабли суд ҳукми ўзгартирилди. Яъни С.Қодировга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиб, у қамоқдан озод қилинди.

Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда суд ҳокимиятининг мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирлар тадрижийлик тамойили асосида, изчиллик билан амалга оширилмоқда. Тизимда кечаётган мазкур жараёнлар, шу жумладан, кассация тартибида иш юритиш фуқароларнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларини самарали ҳимоя қилиш, ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Раҳматжон РАҲИМОВ,
жиноят ишлари бўйича Андижон вилояти судининг раиси

Istiqlol imkoniyatlari

Инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг амалдаги ифодаси

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Ҳар йили эълон қилинаётган амнистия актидан кўзланган мақсад — фақат маҳкумларни ёки билиб-билмай жиноятга қўл урган шахсларни жазодан озод қилиш эмас, балки улар туфайли жабр тортадиган ҳар бир оила ва унинг аъзолари, айниқса, ўсиб келаётган норасида ўғил-қизларнинг келгуси тақдирини ҳамда уларнинг келажагини турли салбий таъсир ва жиддий синовлардан ҳимоя қилишдан иборатдир.

Агар шу вақтга қадар эълон қилинган амнистия актларининг 1-бандига эътибор қаратсак, уларнинг барчасида, айрим чеклашларни ҳисобга олган ҳолда, энг аввало, аёллар, жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар, 60 ёшга тўлган эркаклар жазодан озод этилиши назарда тутилганига гувоҳ бўламиз.

Шу маънода Олий Мажлис Сенатининг 2014 йил 14 ноябрда қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарори ижросини таъминлаш жараёнида ҳам айнан шу тоифаларга мансуб шахсларни — назарда тутилган чеклашларни ҳисобга олган ҳолда — жазодан озод қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Амнистия тўғрисидаги қарор қўлланилган шахсларнинг 7 минг 865 нафари ёки 15 фоизини аёллар, 1 минг 174 нафари ёки 2,2 фоизини вояга етмаган шахслар, 681 нафари ёки 1,3 фоизини 60 ёшдан ошган эркаклар, 172 нафари ёки 0,2 фоизини ногиронлар ташкил этгани ҳам юқоридаги фикрни яққол тасдиқлайди.

Ҳақиқатан ҳам, бағрикенглик, кечиримлилик улуғ аждодларимиздан мерос фазилат. Шу маънода, ушбу ҳужжатнинг амалда қўлланилиши самарадорлиги, очиқ ва ошкоралиги тўлақонли таъминланган диққатга моликдир.

Шу билан бирга, 2014 йил 14 ноябрда қабул қилинган амнистия тўғрисидаги қарорда муқаддам афв этиш ёки амнистия тартибида жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга, шунингдек, Жиноят кодексининг 168-моддасида кўрсатилган жиноятни содир этган ва етказилган моддий зарарни тўлиқ қопламаган шахсларга нисбатан татбиқ этилмаслиги белгиланган.

Жазони ижро этиш муассасаларидан 3 минг 289 нафар шахс амнистия тўғрисидаги қарорга асосан озод этилган бўлиб, айни пайтда мазкур шахсларнинг жамиятга мослашишига кўмаклашиш, уларни маънавий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш, тиббий ёрдамга муҳтожларга соғлиғини тиклаш учун шароит яратиш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Шунингдек, жазодан озод қилинган ёлғиз, ёрдамга муҳтож шахсларни ногиронлар ва қариялар уйларига жойлаштириш, вояга етмаганларни ота-оналарининг, васийлик ва ҳомийлик органларининг назоратига топшириш, зарур ҳолларда уларни тегишли таълим муассасаларига юборишга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳам амалга оширилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 22 йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарорининг қўлланиш тартиби бўйича Сенат томонидан тегишли қарор қабул қилингани муҳим аҳамият касб этди, албатта. Қарорни қўллаш жараёнида ушбу тартибда белгилаб қўйилган жиноий жавобгарликдан ва жазодан амнистия ҳужжатига мувофиқ озод қилинадиган шахслар хусусидаги ишлар ва материалларни судда кўриб чиқиш тартиб-таомилига қатъий риоя қилинди.

Амнистия актининг қўлланилиши устидан жамоатчилик назорати ва қарорнинг қўлланиш тартиб-таомилларининг очиқ-ошкоралигини таъминлаш мақсадида сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар Кенгашларининг депутатлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг минтақавий вакиллари ушбу масъулиятли жараёнда фаол иштирок этдилар. Бу ишга мутасадди идоралар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам фаол жалб этилди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизнинг қонунчилик ҳамда суд ҳокимияти тизимида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган изчил демократик ислоҳотлар олиб борилаётганининг ёрқин ифодасидир.

Умуман олганда, юртимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари моҳиятига ҳам айнан шу ғоя сингдирилгани алоҳида диққатга лойиқдир. Бинобарин, амнистия акти эл-юртимизда қадимдан амал қилиб келинаётган маънавий қадриятларни, қолаверса, кишиларимиз эъзозлайдиган бағрикенглик, мурувват ва инсонпарварлик каби олий фазилатларни тўлиқ ўзида мужассамлаштирган.

Азал-азалдан аждодларимиз доимо аҳиллик ва ҳамжиҳатликда яшашга интилган, ўзаро жанжалларни эса, муросаю-мадора асосида бартараф этиб, ҳар қандай низоларга барҳам беришга ҳаракат қилган.

Хулоса қилиб айтганда, амнистия актини қабул қилишдан кўзланган асосий мақсад — Конституциямизнинг муқаддимасида белгиланган инсонпарварлик ғояларига содиқликни намоён этган ҳолда билиб-билмай, адашиб жиноят содир қилган фуқароларни кечириб, уларга янгича ҳаёт бошлашга имконият бериш ҳисобланади. Амнистия тўғрисидаги навбатдаги ҳужжатнинг ҳам ҳаётга тўлақонли татбиқ этилгани тимсолида давлатимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари олий қадрият саналиши, юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятида инсонпарварлик тамойили устувор экани яна бир бор яққол намоён бўлди.

Зуфар УСМОНОВ,
Олий суд судьяси
Санжар ҚЎЧҚОРОВ,
Олий суд бўлим бошлиғи

G'aroyib olam

Маълумки, табиатдаги тирикликнинг бирламчи манбаи тоза ҳаво ҳисобланади. Зеро, ҳаво жамики тирик мавжудотларнинг ҳаётини таъминловчи ўта муҳим манба — азот ва кислороддан таркиб топган.

Аслида, биз нафас олаётган ҳавонинг 21 фоизи кислород, 78 фоизи азотдан иборат. Қадимдан одамлар ҳавонинг асосини ташкил этувчи элементларни ўрганишга қизиққан. Хусусан, 1775-1777 йилларда француз кимёгари А.Лавуазье ҳаво таркибида азот ва кислород, 1894 йилда инглиз олимлари У.Рамзай ва Ж.Релей эса, ҳавода аргон борлигини исботлашга муваффақ бўлган. Шундан сўнггина ҳаво таркибида бошқа инерт газлар ҳам борлиги аниқланди. Қизиғи, ҳаводаги азот, кислород ва инерт газлар миқдори ўзгармас ҳисобланади.

Маълумки, инсон нафас олганда кислород ютиб, карбонат ангидрид чиқаради. Агар атмосферада карбонат ангидрид бўлмаса, ер қуёшдан олаётган энергиясининг асосий қисмидан маҳрум бўлиб, она сайёрамиз ниҳоятда совиб кетган бўларди. Агар унинг миқдори ортиб кетгудай бўлса, атмосфера ҳарорати 400 даражагача етиши мумкин.

Тириклик манбаи ҳисобланмиш ҳаво бир қатор хасталикларга ҳам даводир. Масалан, инсон тоза ҳаводан баҳра олаётган пайтда унинг организмида асаб тизимлари мўътадиллашиб, қоннинг кислородга тўйиниши таъминланади. Натижада моддалар алмашинуви яхшиланади, иштаҳа очилади, уйқу яхшиланади.

Мутахассисларнинг айтишича, ҳаво таркибида кислород кўп бўлган жойларда ҳаво ваннаси қабул қилиш жуда фойдали. Негаки, бундай жойларда ҳаво денгиз тузларига бой бўлади. Шунингдек, тоза ҳаво, айниқса, болалар организмини чиниқтиришда, организмнинг ташқи муҳит таъсирларига қаршилигини кучайтиришда муҳим ўрин тутади.

Бундан ташқари олимлар об-ҳаво нафақат инсон саломатлигига, балки унинг кайфиятига ҳам таъсир кўрсатишини аллақачон исботлашган. Руминиялик тиббиётчилар эса, мутахассислар билан бирга об-ҳавонинг табиий атласини яратишга муваффақ бўлишди. Уларнинг хулосасига кўра, ғарбдан эсган нам ҳаво оқими нафас йўли хасталикларига чалинган беморларга салбий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари бундай об-ҳаво шароитида аксарият одамлар бош оғриғидан шикоят қилишади.

Шунингдек, қуруқ ва иссиқ жануб ҳавоси эса, одамларнинг қон айланиши яхшиланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатар экан. Шимолий циклонларда одамларнинг қон босими кўтарилиши кузатилади. Умуман айтганда, ушбу тиббий атлас шифокорларга беморларга ташхис қўйишда ниҳоятда қўл келмоқда.

Ҳаётда ҳар биримиз эртага об-ҳавонинг қандай келишига, табиийки, қизиқамиз. Аслини айтганда, буни осмон жисмлари, қуёш ва ойнинг ҳолати, атмосферада рўй берадиган турли ҳодисалар, ўсимликлар ва инсондаги баъзи ўзгаришларга қараб ҳам билиб олиш мумкин.

Бунинг устига атмосферада содир бўладиган, аммо метеорология асбоблари қайд қилолмайдиган кўпгина ўзгаришларни айрим ўсимликлар, жониворлар ва ҳатто инсон ҳам сезиш хусусиятига эга эканлиги фанда аллақачон ўз исботини топган. Хусусан, олимларнинг кўп йиллик кузатишлари натижасида ер юзида ўсувчи, атмосфера шароитларининг ўзгаришига жуда сезгир бўлган "барометр" ўсимликларнинг бир қатор турлари аниқланган. Масалан, Болқон ярим оролида ўсадиган сохта каштан дарахти баргларида ёмғир ёғишидан бир-икки кун бурун ёпишқоқ шира томчилар — кўз ёши пайдо бўлади. Шунингдек, сарғиш тусдаги бута ўзидан ҳид таратса — момоқалдироқ бўлишидан дарак.

Хўш, ўсимликлар об-ҳавонинг ўзгаришини қандай сезади? Бунинг асосий сабаби — ҳаводаги намлик миқдори ҳамиша бир хил бўлмаслиги билан изоҳланади. Масалан, ёмғир ёғишидан илгари ҳавода сув буғлари кўпаяди. Ҳаво нам бўлса, гулларнинг гулкосасига сув тўпланиб қолиб, буғланиш камайиб кетади. Бунинг натижасида хушбўй моддаларнинг буғланиши кучаяди. Шунинг учун барча гуллар ёмғир ёғиши олдидан ўткир ифор тарқатади. Демак, одамлар қадимда ана шундай табиий йўллар билан об-ҳаво қандай келишини билиб олишган.

Интернет материаллари асосида Шаҳло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

E'tirof

Судьялар ва судьяликка номзодлар

уларнинг ижтимоий муҳофазаси амалда тўлиқ таъминланмоқда

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бундан ташқари мазкур фармон билан судьяларга имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш, шунингдек, турар жойлар ижараси учун ҳар ойда пул компенсацияси тўлаб бориш белгиланди.

Бунинг ижроси сифатида 2012 йил 31 октябрда Вазирлар Маҳкамасининг 312-сонли қарори қабул қилиниб, унга кўра, судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш ҳамда уй-жойни ижарага олганлик учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиблари юзасидан Низом тасдиқланди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрдаги "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига асосан, судьяликка номзодлар ўқув ва стажировкани ўташ даврида асосий иш жойидаги ўртача ойлик иш ҳақи сақланган ҳолда ўз меҳнат вазифаларини бажаришдан озод қилинди.

Албатта, судьялар ва судьяликка номзодларни ижтимоий муҳофаза қилиш хусусида сўз борар экан, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги қарори билан тасдиқланган "Судьяларга, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисида"ги Низомга алоҳида тўхталиш жоиз. Мазкур Низом тижорат банклари томонидан судьяларга имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредити бериш тартибини белгилайди. Унинг ижросини таъминлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Аниқроқ айтганда, 2014 йил мобайнида умумий юрисдикция судларида фаолият кўрсатаётган судьяларнинг 7 нафарига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратилди.

Шунинг баробарида Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 2 августдаги "Судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишни ва ушбу лавозимга номзодларни ўқитишнинг ташкилий асосларини яхшилаш чоратадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишда алоҳида ўрин тутмоқда.

Маълумки, ушбу қарорга асосан, ваколат муддати тугаган судьялар учун ваколатларнинг янги муддатига қайта тайинлаш (қайта сайлаш) учун уларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш даврида ёхуд янги иш жойида ишга жойлашгунигача ўртача ойлик иш ҳақи уч ойдан ортиқ бўлмаган муддатга сақланиб қолинади. 2014 йил мобайнида ваколат муддати тамом бўлган 39 нафар судьянинг уч ойлик компенсация тўлови билан таъминлангани ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир.

Хулоса қилиб айтганда, судьялар, судьяликка номзодларнинг давлат томонидан ижтимоий муҳофаза қилиниши суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, судьяларнинг фақат қонунга бўйсунган ҳолда фаолият кўрсатиши, бир сўз билан айтганда, одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Нигора МИРЗАКАРИМОВА,
Олий суд бўлим бошлиғи

Маълумки, инсоннинг соғлом турмуш тарзига мутлақо ёт саналган гиёҳвандлик балоси дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётган глобал муаммолар сирасига киради ва бу иллат трансмиллий жиноятлардан бири ҳисобланади.

Giyohvandlik — asr vabosi

Ҳаёт ҳикмати

ҳалол яшаш ва эзгу амаллардадир

Мамлакатимизда гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Аммо бу иллатга қарши изчиллик билан кураш олиб борилаётганига қарамай айрим қабиҳ кимсалар мўмай даромад орттириш илинжида оғуфурушликка қўл ураётгани ғоятда ачинарлидир.

Мисол учун Чироқчи туманида истиқомат қилувчи (исм-шарифлар ўзгартирилган) Шокир Азимов қинғир ишлари учун авval ҳам жиноий жавобгарликка тортилган. Аммо ёши элликни қоралаб қолган Ш.Азимов бу жазодан тўғри сабоқ чиқариб, ҳалол яшаш ўрнига яна жиноят кўчасига кирди. Буни қарангки, у осон йўл билан бойлик орттириш илинжида ўзига тегишли бўлган томорқада гиёҳвандлик моддасини етиштиради. У гиёҳвандлик моддасининг бир қисмини йиғиштириб олиб, заҳри қотилни хуфёна жойларда қуритгач, уни пуллаш пайига тушади.

Хайриятки, Шокирнинг жиноий қилмишига ўз вақтида чек қўйилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбир давомида оғуфурушнинг кирдикорлари фош этилди.

Текширув жараёнида инсоний фазилатлардан мутлақо йироқ бўлган Ш.Азимов ўзига қарашли томорқасида тақиқланган экин, яъни 83 туп, нам ҳолдаги, оғирлиги 149 кг 143 грамм, шунингдек, йиғиштириб қуритилган ҳолдаги, оғирлиги 17 кг 301 грамм бўлган канибис гиёҳвандлик воситасини эккани маълум бўлди.

Суд ҳайъати ҳалол меҳнат қилиш ўрнига нафс йўриғига юришни афзал билган Ш.Азимовга нисбатан қонунда кўрсатилган тартибда жазо тайинлади.

Айтиш жоизки, агар Ш. Азимов ўз томорқасида гиёҳвандлик моддаси ўрнига бирор-бир мева ёки сабзавот етиштирганида, бундай кўргуликларга дучор бўлмас, аксинча, ҳалол меҳнат билан ҳам ўз оиласи, ҳам элюртга наф келтириш баробарида, яхшигина даромадга эга бўларди. Энг муҳими, у ўз меҳнатининг ҳузур-ҳаловатини кўриб, оиласи, фарзандлари билан тинч-осуда яшарди.

Ушбу мақолани ёзишдан мақсад ҳам, аслида шу — инсонни соғлом ҳаётнинг қадрига етиш, виждонига хиёнат қилмасликка ундашдан иборат.

Фозил ЮСУПОВ,
жиноят ишлари бўйича Чироқчи тумани судининг раиси
Абдунаби БОБОЁРОВ,
"Куч-адолатда" мухбири

Куч—адолатда

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир:
Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шоюнус ГАЗИЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ

Навбатчи муҳаррир:
Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи:
Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Нашр индекси: Якка тартибда: 574, ташкилотлар учун: 575.

Буюртма: Г-222. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 9579.
1 2 3 4 5 Топшириш вақти: 20⁰⁰ Топширилди: 21³⁰